O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 13-mart • Seshanba • 31 (27.676) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ 2007 ЙИЛ — «Ижтимоий ҳимоя йили»

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

Халқимиз азал-азалдан тўй-тантана, байрам ва шодиёналарни нишонлашга олдиндан тайёргарлик кўрган. Бундай пайтларда каттаю кичик, маҳалла-кўй ҳашарга чиқиб, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга, теварак-атрофни тартибга келтириш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ота-боболаримизнинг ана шундай эзгу анъаналарини янгича маъно ва мазмун билан бойитишга, ёш авлодни азалий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 23 февралида қабул қилинган «Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан мамлакатимизда март ойининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилиниши ҳамда 10-11 март кунлари уюшқоқлик билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари бунга мисол бўла олади.

Умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этишдан кўзланган мақсад қадимий ва навқирон байрамимиз Наврўзи оламни муносиб қаршилаш, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш, республикамиздаги санитария-эпидемиология ҳолатини янада яхшилаш, халқимизга хос меҳр-оқибат, саховатлилик ва бағрикенглик сингари инсоний фазилатларни юксалтиришдан иборат. Ушбу тадбирни ташкил этиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича фаолият юритган республика ишчи гуруҳидан олинган маълумотга қараганда, ўн беш миллион нафардан кўпроқ юртдошларимиз ҳашарда иштирок этган.

Ҳашарчиларнинг саъй-ҳаракати билан 34 минг гектардан зиёдроқ майдон ободонлаштирилди. Минглаб километр узунликдаги ариқ-зовурлар ва бошқа сув йўллари тозаланди. Кўплаб зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилди.

Кундан-кунга чирой очиб бораётган пойтахтимиз аҳли ҳам шу кунлари эрта тонгданоқ маҳаллаларда, аҳоли тураржойларида, ўқиш ва иш жойларида фаол меҳнат қилди. Бундай тадбирлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор гўшаларидан бири — «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам уюшқоқлик билан ўтди. Қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилган талабалар тураржойларида, шаҳарча муҳитига сайқал бериб турган боғда талабалар устоз-мураббийлар етакчилигида фаол меҳнат қилдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳли ишни маҳалла, кўча ва хиёбонларни тартибга келтиришдан бошлади. Шаҳар ва қишлоқларда янгидан барпо этилаётган спорт майдончалари қурилиши ва мавжудларини таъмирлаш ишлари ҳар қачонгидан ҳам қизиди.

Навоий, Наманган, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида қайта таъмирланаётган тарихий қадамжоларни ободонлаштириш ишига ҳашарчилар яқиндан кўмак бердилар. Жиззахликлар вилоятнинг ҳар бир гўшасини, ўқув масканлари, иш жойлари ва ишлаб чиқариш муассасалари атрофини гулзорга айлантириш ташаббуси билан меҳнат қилдилар.

2750 йиллик юбилейини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётган Самарқанд шаҳрида ҳашар ҳар қачонгидан кўра кўтаринки руҳда ўтди. Шаҳар марказида барпо этилаётган хиёбондаги бунёдкорлик ишларига барча ўз ҳиссасини қўшди.

Эзгу айёмлар арафасида ўзгалар кўмагига муҳтож, эҳтиёжманд инсонлар, якка-ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотганлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Бу галги ҳашар тадбирлари доирасида меҳр-мурувватга муҳтож инсонларга қарийб тўрт юз эллик миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳисоб рақамларига ўтказилади. Бу маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техника базасини яхшилашга сарфланади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

❖ Муносабат

ҲИНДИСТОНДА ТОШКЕНТ ШУКУҲИ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилиниши муносабати билан Ҳиндистон ислом маданияти марказида учрашув бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Деҳлидаги «Юнити Интернэшнл» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ҳиндистоннинг расмий, илмий ва диний доиралари, шунингдек, Деҳлида фаолият юритаётган дипломатия корпуси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ушбу муҳим воқеа муносабати билан «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси анжуман қатнашчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Учрашувда мамлакатимизнинг Деҳлидаги дипломатия ваколатхонаси ва «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг бой маънавий ва маданий мероси ҳақидаги маълумотлар анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Тадбир қатнашчилари ўзбек халқининг буюк бобокалонлари — Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий ва бошқа мутафаккирлар ислом маданияти ва унинг ривожига беқиёс ҳисса қўшгани ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Мамлакатимиз пойтахтининг бундай шарафли номга сазовор бўлиши ўзбек халқи ва ҳукуматининг истиқлол йиллари давомида маданий-маънавий қадриятларни тиклаш ва бу меросни авайлаб- асраш юзасидан амалга оширган улкан хизматларининг юксак эътирофи экани бир неча бор таъкидланди.

Жумладан, Ҳиндистон режалаштириш давлат вазири С.Ражашекхаран Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигига юксак баҳо берар экан, «икки томонлама самимий дўстлик асосини халқларимиз ўртасидаги узоқ асрларга бориб тақаладиган маданий ва тарихий ришталар ташкил этади», деди. «Юнити Интернэшнл» жамғармаси бош котиби С.Анил ҳамда Ҳиндистон ислом маданияти маркази президенти Сирож Уддин мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари сўнгги йилларда айниқса жадал ривожланаётгани ва икки мамлакат халқларининг манфаатларига хизмат қилаётганини қайд этди.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Деҳли

ТОЛЕИМИЗНИ БАЛАНД ҚИЛДИ

Баҳорнинг шукуҳли ва дилбар кунида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табриги бетакрор юртимизнинг энг мўътабар инсонлари бўлган опа-сингилларимиз кўнглини кўтариб, толеини баланд қилди. Юртбошимиз ўз табригида мунис ва меҳрибон аёлларимизга энг эзгу тилакларини, ҳурмат-эҳтиромини билдирар экан, мустақиллик равон қилган ёруғ йўлларда, халқимиз олиб бораётган бунёдкорлик меҳнатида, тинч-осойишта ва бахтли ҳаётда хотин-қизларимизнинг алоҳида ўрни бор эканлигини эътироф этди.

Дарҳақиқат, биз тарихдан ҳам биламизки, аждодларимиз қолдирган улуғвор қадриятларнинг энг муқаддаси, энг қадрлиси — бу Онага, аёлга кўрсатилган меҳр ва эҳтиромдир. Бу қадриятларда аёл наинки миллат давомчиси, балки жамият кўрки ва таянчи, эзгулик тимсоли сифатида улуғланиб келинган. Онани Ватанга қиёслаш, Ватанни она рамзида кўриш ҳам халқимизнинг ардоқли туйғуси.

Давлатимиз раҳбарининг табригида аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳурмат ва эътиборини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, касб маҳорати ва савиясини юксалтиришга катта аҳамият берилаётганлиги алоҳида қайд этилди. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизини, ишчи кучининг 45 фоизини аёллар ташкил этади. Жумладан, қишлоқ хўжалигида 39, илм-фанда 37, соғлиқни сақлашда 73, халқ таълимида 59 дан 70 фоизгача хотин-қизлар меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг 84 фоизи ўрта ва олий маълумотга эга. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 21 нафар, Сенатда 15 нафар аёл фаолият олиб бораётир.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида бугун барпо этилаётган янги ҳаёт, янги жамиятда бу ютуқлар етарли эмаслигини таъкидлаб, **«...сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президент ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилган»**лигини, бу имтиёзлардан унумли фойдаланиш лозимлигини алоҳида уқтириб ўтдилар. Шу билан бирга бугунги кунда маҳаллий вакиллик органларида аёлларимизнинг умумий иштироки қониқарли эмаслиги ҳам афсус билан қайд қилинди.

Мен Қонунчилик палатаси депутати сифатида муҳтарам Юртбошимизнинг айниқса ушбу сўзларидан таъсирланиб кетдим. Негаки, бугун хотин-қизларимизнинг сайловларда фаол иштироки ҳақида қайғуриш аёлларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий савиясини оширибгина қолмасдан, балки аҳолининг бу борадаги маданияти юксалишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Табрикда бу ўта муҳим масалага кейинги сайловларда алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидландики, бу хотин-қизларимиз манфаати бундан кейин ҳам мамлакатимизда асосий йўналишлардан бири бўлиб қолишини англатади. Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг мазкур табриги қалбимизни қувончга тўлдириш билан бирга, келгусида халқимиз бахт-саодати йўлида янада улкан ишларга масъуллигимизни кўрсатди.

Гулистон АННАҚЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ПАРТИЯДОШЛАР ҲИССАСИ

Наврўз байрамига тайёргарлик тадбирлари доирасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши ходимлари ва партия аъзолари фаол иштирок этдилар.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган Бахтиёр Ражабов ҳомийлигида вилоят марказидаги «Бунёдкор» маҳаллаларидаги 250 та мевали, 400 дан ортиқ манзарали дарахтлар ва атиргул кўчатлари ўтказилди. Маҳалла ҳудудидаги ариқлар тозаланиб, кўчалар ободонлаштирилди. Шунингдек, депутат Турсун Мансуров ва «Олтин водий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ХДП аъзоси Дилором Иминова ташаббуси билан ҳудудда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Партиямиз аъзолари иштирокида хайрия тадбирлари ҳам ўтказилди. «Олтин водий» маҳалласида яшайдиган Лидия Тубаева, Екатрина Шаболдас ҳамда иккинчи гуруҳ ногирони Шайдулло Миродимовларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Хайрия тадбирларидан конимехликлар ҳам четда туришмади. Партиямиздан туман Кенгашига сайланган Бахтигул Сагенбоева кам таъминланган оилалар вакилларидан Таиса Абрасимова, Зениш Жёлешова ва Улдай Засакбаевларга молиявий ёрдам кўрсатди.

Абдукарим ҲАМРОЕВ,
ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари

«ДИПЛОМАТЛАР БОҒИ» КЕНГАЙТИРИЛДИ

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Экология ва саломатлик кунлари»нинг биринчи босқичи доирасида «Мева-шарбат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент туманидаги Р.Шредер номли институти ҳудудида экологик акция ва ҳашар ташкил қилди.

Мазкур ҳашарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, фан, маданият арбоблари, ёзувчи, шоирлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, санъаткорлар, эколог олимлар иштирок этди.

Халқаро ташкилот раиси Юсуфжон Шодиметовнинг айтишича, «ЭКОСАН»ни бу институт билан кўп йиллик ҳамкорлик боғлаб турибди. Институтнинг олим ва мутахассислари «ЭКОСАН» ташкилотининг лойиҳа ва дастурларини тайёрлашда, илмий-амалий конференцияларнинг тавсияларини ишлаб чиқишда, «Экология ва саломатлик кунлари» тадбирларида иштирок этиб келишмоқда.

Маълумки, «ЭКОСАН» мазкур институт билан биргаликда хорижий ҳамкорлар иштирокида бир қатор халқаро анжуманлар, семинарлар, учрашувлар ташкил қилмоқда.

— Институтимиз олимлари халқаро ҳамкорликка алоҳида аҳамият қаратиб келяпти, — дейди институт директори Мақсуд Мирзаев. — «Дипломатлар боғи»га бу йил уч юздан ортиқ янги кўчат навлари экиб, унинг майдонини бир гектарга кенгайтирдик.

Хайрия ҳашарида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти томонидан Тошкент тумани аҳолисига 3 млн. сўмдан зиёд инсонпарварлик ёрдамлари топширилди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Хушхабар

«Микрокредитбанк» акциядорлик банки ташкил этилганидан кейин ўтган қисқа давр мобайнида кичик тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш борасида муайян ютуқларни қўлга киритди. Яқинда мазкур микромолиявий муассаса Европа ва янги мустақил давлатларнинг Микромолиялаш маркази Директорлар кенгаши томонидан ушбу микромолиявий марказнинг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинди. Бу Микромолиялаш маркази 2001 йилда Варшава шаҳрида аҳоли учун микрокредит хизматларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирги пайтда дунёнинг 53 мамлакатидаги юздан ортиқ микромолия ташкилотлари унга аъзодир.

ХАЛҚАРО МИКРОМОЛИЯЛАШ МАРКАЗИГА АЪЗО БЎЛДИ

Европа ва янги мустақил давлатларнинг Микромолиялаш марказига аъзо бўлиш банк фаолиятининг инфраструктурасини такомиллаштиришга йўналтирилган техник грантларни олиш, республикамиз микромолиялаш ташкилотларининг кадрларини халқаро банк молиявий ташкилотларида ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш имконини беради.

Айни пайтда банк томонидан Халқаро молия институтларининг кредит линиялари ва грантларини жалб қилиш борасида аниқ тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ваколатхонаси, Жаҳон банки, Иқтисодий ривожланиш бўйича Германия жамғармаси вакиллари билан биргаликда мулоқотлар олиб борилди.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида тан олинган халқаро молия институтларининг мамлакатимизга қизиқиши янада ортмоқда. Бу эса замонавий технологиялар, ускуна ва жиҳозларнинг юртимизга кириб келиши ҳамда бошқа моддий бойликларни кўпайтиришга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш имконини беради. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали микромолиялаш хизматини ривожлантириш мақсадида «Микрокредитбанк» ва Ислом тараққиёт банки ўртасида 4 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очиш юзасидан меморандум имзоланди.

Халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банклар билан ўзаро ҳамкорлик «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкига мамлакатимиздаги ҳар бир якка тадбиркор, кичик бизнес субъектининг яратувчилик фаолияти учун кенг имкониятлар ва узоқ қишлоқлардаги ҳар бир оила учун барқарор даромад манбалари яратишга яна ҳам кенгроқ имкониятлар ҳозирлайди.

(Ўз мухбиримиз)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ Ўзбекистон ифтихорлари

«МЕН УЧУН ЭНГ МУҲИМИ — ВАТАН ШАРАФИ!»

Азиз юртдошлар, яна саноқли кунлардан сўнг, аниқроғи, 14 апрелда мамлакатимиз спорт ҳаётида тарихий воқеа юз беради. Ўзбекистон ўғлони, истеъдодли боксчимиз Руслан ЧАГАЕВ Германиянинг Штутгарт шаҳрида энг оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун «жанг» ўтказади! Унинг рақиби амалдаги жаҳон чемпиони Николай Валуев.

Бу учрашув ҳозир бутун дунё спорт мухлислари эътиборида турибди. Биласиз, боксда ўта оғир вазн бўйича ўтказиладиган ҳар бир жанг катта нуфузга эга. Афсонавий Муҳаммад Али, Майк Тайсон, Эвандер Холлифилд, ака-ука Кличколар, Жон Руис, Николай Валуев каби саноқли боксчиларгина бундай шарафга муяссар бўлишган ва улар дунёнинг энг машҳур спортчиларига айланишган. Руслан бугун ана шундай бокс юлдузлари сафидан жой олай деб турибди. У нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки бутун Осиё қитъасидан биринчи бўлиб, шундай юксак ҳуқуқни қўлга киритган боксчи.

Шу кунларда мамлакатимиз спорт мухлислари ана шу жуда-жуда масъулиятли ва шарафли учрашувни катта ҳаяжон билан кутишмоқда. Руслан бу жангга қандай тайёргарлик кўраётгани, нималар ҳақида ўйлаётгани, кайфияти қандай эканлиги ҳаммамизни қизиқтириши, табиий.

Ўтган шанба куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да Гамбург шаҳрига қўнғироқ қилиб, у билан суҳбатлашдик.



4-бет

❖ Муносабат

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАНБАЛАРИ

ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Миллий иқтисодиётда ижтимоий ҳимоя даражаси кўп ҳолларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатига боғлиқ. Иқтисодий ривожланиш даражаси киши бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), бандлик, аҳолининг реал ўртача даромади, ўртача иш ҳақи, инфляция, ишсизлик ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар билан ифодаланади. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига даромадлар даражаси ошишининг асосий манбаи — бой ресурслар мавжудлигидадир. Мамлакатимиз бой табиий ресурсларни етиштириш учун яхши табиий шароитга эга. Бу — давлатимизнинг мустақил иқтисодиётини таъминлаш учун қулай шароитлар яратади, иқтисодиётнинг ўсиши ва ривожи истиқболлари ҳамда ЯИМ умумий ҳажми кўпайишига имкон беради.

Агар статистик маълумотларни эътиборга олсак, Ўзбекистон учун иқтисодий ўсишни иккита босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич — иқтисодиётдаги пасайишни тўхтатиш билан боғлиқ бўлиб, иккинчиси — барқарор иқтисодий ўсиш босқичи.

Барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияси 1996 йилдан буён амал қилмоқда. Энг юқори иқтисодий ўсиш бу 2004 йил ҳисобланиб, ЯИМ 7,7 фоизга ошди. 2006 йилда ЯИМ 7,3 фоизга ошганлиги Президентимиз томонидан алоҳида эътироф этилди. Бу эса мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий омили бўлиб, у 2007 йилда аҳоли ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш манбаларидир.

Агар 2006 йилда иқтисодий ўсишни, солиштирма нархларда олиб қараганда, 2000 йилга нисбатан 45 фоизни ташкил қилганлигига эътибор берадиган бўлсак, бу мамлакатимиз ва халқимизнинг чинакам ютуғи.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидлаганидек, 2006 йил якунлари бўйича аҳоли бандлигини ошириш, халқимиз турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида кўпгина ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда илм-фан соҳасида қатор ижобий юмушлар ўз ижросини топди. Жумладан, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва шу соҳадаги ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Илмий-техника тараққиёти (ИТТ) ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўртача даражасини кескин кўпайтириш омили бўлиб, уни ривожланган давлатлар даражасига етказишга хизмат қилади. Бу муаммо ечимида кўп ҳолларда сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муҳим роль ўйнайди. Чунки, айнан инсон омили иқтисодий ўсишни таъминлайди. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги харажатлар, илмий-тадқиқот ишларига ажратилаётган инвестициялар — ишчи кучи сифати ва малака даражасини оширишга имкон беради. Инвестиция натижасида шаклланган (ва инсон томонидан жамғарилган) билим, тажриба, қобилият ва рағбатлантириш каби мезонлардан ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадли фойдаланилиши — меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқариш самарасининг ўсишига, аҳоли даромади кўпайишига сезиларли таъсир этади.

Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, иқтисодий ўсишнинг 60 фоизи инсон омили орқали таъминланади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги янги информацион технологияларни жорий этиш, янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари чоп қилиш ҳамда уларни барча олий ўқув юртларида тарқатишга катта эътибор бермоқда.

Самарқанд давлат университетида малакали мутахассислар тайёрлаш, талабалар ва профессор-ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида анчагина ишлар қилинмоқда. Биринчидан, университетда талабалар учун компьютер синфлари бюджет маблағи ва чет эл грантлари ёрдамида қўпайтирилмоқда. Ҳозир бу ерда деярли ҳамма компьютерлар интернет тармоғи билан боғланган. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари йил сайин янгиланмоқда. Масалан, иқтисодиёт факультетининг бир гуруҳ олимлари томонидан 2006 йилда Ўзбекистонда биринчи марта иқтисодий йўналишдаги бакалавриат тизимида таълим олаётган олий ўқув юртлари талабалари учун янги «Социал иқтисодиёт» махсус ўқув қўлланмаси ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Университетда бир неча йилдан буён профессор ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларнинг йиллик меҳнатига қараб 50-100 фоизгача моддий рағбатлантириш тизими жорий этилган. Шартнома асосида таълим олаётган ва ўқув семестрни юқори рейтинг билан якунлаган талабалар шартнома пулининг 80 фоизини стипендия шаклида қайтариб олиш имконига эгалар.

Хулоса қилиб айтганда, «Ижтимоий ҳимоя йили»да, энг аввало, аҳоли турмуш даражасининг ошиб боришини таъминлаш, бандлик муаммосига барҳам бериш каби кенг қамровли мақсадлар кўзланган. Шубҳасиз, уларга эришишда олий ўқув юртларида халқаро андазалар даражасига мос малакали мутахассислар тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Алишер ОСТОНОВ,
доцент.

ТАХТАКЎПИРДА НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Ўлкамизнинг энг шимолий туманларидан бири — Тахтакўпирда деҳқончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин бошлаб юборилди. «Энг яхши маҳалла», «Энг яхши кўча», «Энг яхши ҳовли» кўрик-танловлари ўтказиш анъана тусини олди.

— Ҳозир тумандаги 23 та мактаб, 14 та болалар боғчаси, 4 та мактабдан ташқари муассаса ва барча соғлиқни сақлаш бўлимлари (касалхона, шифохона, амбулатория)да уйғониш, яшариш фаслига монанд равишда ободонлаштириш ишлари авж олмоқда, — дейди **туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Татлимурат Атамуратов.** — Махсус штаб ташкил қилдик. Бажариладиган ишларимиз дастури бор. Ҳар бир ташкилот, идора, корхона раҳбарлари қандай ишлар олиб борилаётганлиги ҳақида кундалик ахборот бериб туришибди.

— Туман маркази жойлашган посёлкада умумий узунлиги 60,74 километрни ташкил этган 102 та кўча бор, — давом этди ҳоким. — Уларни янгидан асфальтлаш ишларини бошлаяпмиз. «Дўстлик гузари», «Бердақ», «Қосим Авезов», «Фозилов», «Гагарин», «Гарезсизлик» — (Мустақиллик), «Дўстназаров», «Қорқалпоғистон», «Абдуллаев», «Қошқаров», «Ибрагимов» кўчаларининг икки томонидаги ариқлар ва хиёбонларни ободонлаштириш ишларига 40 дан кўпроқ самосвал, тележка ҳамда тракторлар жалб этилди. 3,5 гектар ерда маданият ва истироҳат боғини бунёд қилишга киришдик. Кўп қаватли уйлар атрофлари тозаланмоқда, спорт майдончалари тартибга келтирилаяпти. 35 ўринли болалар санаторийси қурилиши ниҳоялаб қолди. «Дўстлик гузари» билан «Бердақ» кўчаси кесишган жойда «Ёшлар маркази» ташкил қилишни режалаштирдик. Аҳоли зич жойлашган жойларда янги сартарошхона, ҳаммом, пойабзал устахонаси, кийим бичиш-тикиш каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари тикланаяпти. «Деҳқон бозори» ҳудудини 2,1 гектарга кенгайтириш кўзда тутилган...

Ҳоким гапига қўшимча қилиб шуни ҳам айтиш жоиз, туман маданият саройи иморатини (ҳомийлар ҳисобидан 10 миллион сўм ва марказлаштирилган маблағ ҳисобидан 30 миллион сўм сарфлаб) таъмирлаш ишлари ҳам бошланди. Эски кинотеатр биносида тадбиркор Муратбай Самахов 10 миллион сўмлик харажат эвазига мукаммал таъмирлаш ишларини бошлади. Марказдан узоқда жойлашган аҳоли манзилгоҳларида қўшимча қудуқлар қазилиб, тоза ичимлик суви билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда...

«Ижтимоий ҳимоя йили»да туманда 52 нафар ёлғиз яшаётган қария, ногиронлар, пенсионерлар ҳокимият қарори билан ҳомийликка олинди. Уларга 1 миллион 530 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатиш кўзланди. 9 нафар ёлғиз қариянинг уйлари таъмирлаб бериляпти. Бу тадбирлар ҳам Наврўзолди тайёргарлик ишларига уйғунлашиб, ҳудудда кўклам юмушлари айни қизғин паллага кирди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШДИ

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари авжида.

— Наврўз мустақиллик йилларида том маънодаги умумхалқ байрамига айланди, — **дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, ЎзХДП фаоли Бахтиёр Ҳасанов.** — Яқинда мамлакатимиз раҳбари ушбу айёмни кенг нишонлаш бўйича махсус қарор қабул қилди. Бунга жавобан туманимизда тайёргарлик ишларига янада катта эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, туманда байрамнинг маданий-маърифий ишлар дастурига мувофиқ турли хил тадбирлар ташкил этилмоқда. Айниқса, маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 192-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма жамоаси туман марказида замонавий бозор қурилишига жалб этилган. Қоракўл шаҳарчасида масжид, Сайётда иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг янги биноси қад ростлаяпти. Туман сув тозалаш иншоотини таъмирлаш, Дўрмон қишлоғида ичимлик сув тизими қурилишини якунига етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар эса бугун барчани қувонтирмоқда.

— Ана шу хайрли тадбирлар қатори байрам тадбирлари ўтказиладиган марказий ўйингоҳда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, — **дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Файзулла Бебутов.** — Умумхалқ ҳашари кунида партиядошларимиз бу ободонлаштириш ишларида фаол қатнашишди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Ёзёвон туманидаги Хонобод, Йўлдошобод қишлоқлари, шунингдек, туман марказидан оқиб ўтадиган 15 километрдан узунроқ «Ўрмон ариқ» сув иншооти кейинги йилларда деярли ишдан чиқиб қолган эди. ХДП фаоллари — туман «Нуроний» жамғармаси раиси Раимберди Мамасаидов ва унинг ўринбосари Ҳайдар Кўзибоев, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати А.Ғаниев, М.Назиров, «Мададкор-97» фермер хўжалиги бошлиғи Э.Жўраевлар ушбу ариқни тозалаш ташаббуси билан чиқдилар. ХДП туман кенгаши тумандаги «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари билан бирга ариқни тозалаш умумхалқ ҳашарига бош-қош бўлди.

Ҳашар натижасида ариқдан лойқа чиқариб ташланди, кўприклар ости тозаланди, қувурларнинг кўплари янгиланди, тартибсиз ўсган дов-дарахтлар ариқлар бўйидан олиб ташланди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Пайариқ туманидаги 61-мактабда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамовнинг сайловчилар, маҳалла фаоллари, ёшлар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда фракция раиси партиянинг ҳозирги кундаги фаолияти, мақсад ва режалари ҳақида сўз юритди. Парламент қуйи палатасининг иши, қабул қилинаётган янги қонунлар бўйича муҳокамаларда фракция аъзоларининг сайловчилар манфаатларидан келиб чиқадиган таклифлар билан иштирок этиши ҳақида батафсил тўхталди. Йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Тадбир сўнгтида ЎзХДП сафига янги қабул қилинган аъзоларга партия гувоҳномалари топширилди.

Урганч туман кенгаши турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган фаол хотин-қизларни рағбатлантириш мақсадида бир қатор тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Улардан бири туман марказидаги «Ёшлик» маҳалла гузарида бўлиб ўтди. Унда тумандаги тадбиркор, касаначи аёллар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил қилинди. Фаол хотин-қизларнинг бир гуруҳига туман партия кенгаши фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Хонқа туман кенгаши «Истиқлол» мажмуида «Аёл – ҳаёт гултожи» мавзуида тадбир ўтказди. Унда туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, ЎзХДП аъзоси Замира Бекчанова аёлларга ҳукуматимиз томонидан берилаётган имкониятлар ва эътибор хусусида гапириб, туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётида уларнинг ўрни беқиёслигини таъкидлади. Тадбир сўнгтида турли соҳаларда фаоллик кўрсатаётган хотин-қизлар ЎзХДП туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЁШЛАР ИНТИЛИШИГА ҚАНОТ

Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан «Камолот» ЁИҲ ҳамда Маънавият тарғиботи марказининг Наманган шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида анжуман ўтказилди. Унда олий ўқув юртлари ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг талабалари иштирок этдилар.

Тадбирда халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Маматвали Турғунов, НамДУ доценти, юридик фанлари номзоди Орол Эрназаров, Маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими раҳбари Зиёвиддин Мансуров, ЎзХДП Наманган шаҳар кенгаши раиси Акмалхон Умаровлар сўзга чиқиб, юртимизда ёшларга берилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва ўз навбатида уларга қўйилаётган талаблар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, иштирокчилар орасидан сўзга чиққан НамДУ талабалари Мунира Валиева, Ҳанифа Усмонова, савдо ва маиший хизмат коллежи талабаси Одина Усмонова ва бошқалар сиёсий партиялар ва депутатлар эътибори уларга кейинги интилишларида қанот бўлишини айтиб, ташкилотчиларга миннатдорлик билдиришди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«БОЛАГА МЕҲРИ БАЛАНД ШИФОХОНА»

Пойтахт вилоятининг қатор туғуруқхона ва шифохоналарига шу номдаги сертификатлар топширилди

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини мустаҳкамлаш, уларни она – Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар эса бугун ўз самарасини бераётир.

«ЮНИСЕФ» халқаро ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси, республика Педиатрия институти ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир ҳам оналар ва болалар манфаатларини ҳимоялаш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг ёрқин намунасидир.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддиларининг берган маълумотларига кўра, туғуруқхона биноларининг мукаммал ва замон талабларига мослиги, шифокорларнинг касбий маҳорат ва малакаси, чақалоқларни табиий озиқлантириш каби кўрсаткичларни ўзида акс эттирган тиббий муассасаларга «Болага меҳри баланд шифохона» сертификати топширилади.

Мазкур анжуманда Чирчиқ шаҳридаги вилоят туғуруқ мажмуаси ва болалар шифохонаси, Қибрай, Бўстонлиқ, Тошкент, Зангиота, Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Пискент туманлари ҳамда Ангрен шаҳри туғуруқхоналари ва болалар тиббий маслаҳатхоналарига ана шундай сертификатлар топширилди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Долзарб мавзу!

БОРИНИ САҚЛАБ, ЯНГИЛАРИНИ ҚУРМОҚ КЕРАК...

ШУНДА ҚИШЛОҚЛАР СУВГА СЕРОБ БЎЛАДИ

— Ер эгалик ҳуқуқининг берилиши яхши бўлди, — деб ҳикоя қилди яқинда бир танишим. — Аммо бир жиҳати мени ўйлантиради... Узоқ йиллар одамлар меҳнати билан яратилган баъзи иншоотлар ё арзонга сотилди, ё қаровсиз қолди... Қишлоғимиз илгари водопроводдан сув ичарди. Лекин яқинда бир фермер ўзига тегишли майдонлардан ўтган қувурларни қазиб олиб, даласида кўприкка ишлатибди... Шу тўғрими?

Ёки, — давом этди у. — Илгари артезиан қудуқлар қазиш ва қувурларни тортиш учун ширкат пул тўларди. Электр энергияси ҳақини ҳам ширкат узарди. Энди бу харажатларни ким кўтаради? Ким қудуқлар ва насосларда ишловчиларга ҳақ тўлаш мажбуриятини бўйнига олади?

Тўғриси, жавоб беролмадим. Лекин суҳбатдошим билан бироз мулоҳазалашиб, шундай фикрга келдик: қишлоқдаги фуқаролар йиғини оқсоқоллари фермерлар билан бамаслаҳат маблағ тўпласа ва тўхтаб қолган насосни ишлатиш ҳамда сув назоратчиларига ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилса бўлмасмикин...

Яна бир мисол. Чироқчи туманидаги Шўрқудуқ қишлоғида ичимлик сув тармоқлари қурилиши бошланиб, катта маблағ эвазига артезиан қудуқлари қазилган, қувурлар тортилган. Аммо шу ҳолича қолиб кетди...



— Биламан, — дейди **Шаҳрисабз туман санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Темур Қиёмов.** — Шўрқудуқдаги аҳволни шифокорларимиз кун тартибига қўйишганди. Ҳозир сиз айтган қувурлардан сув оқмаётгани сабаби, гапнинг дангали — эгасизлик...

— Ширкатлар тугатилиши билан қишлоқларда сув узатиш иншоотларини сақлаб қолиш ва ишлатиш муаммоси пайдо бўлди, — **дейди Шаҳрисабз туман «Сувоқава» корхонаси раҳбари Норбобо Хуррамов.** — Ҳозир туман ҳокимининг 2007 йил 1 февралдаги қарори билан қишлоқларда масъулияти чекланган жамият — МЧЖлар тузишга киришилди. Бугунгача 3 та қишлоқда тузилди ҳам...

— Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш — долзарб масала, албатта, — сўзга қўшилди **вилоят «Сувоқава» бошқармаси бош муҳандиси Комил Қўйбоқаров.** — Биргина Қарши шаҳри аҳлига бир кеча-кундузда 90 минг кубметр ичимлик суви етказиб бераяпмиз. Қишлоқлар масаласига келсак, вилоятдаги 93 та қишлоқдан ташқари ҳаммасида артезиан қудуқлар, қувурлар бор. Уларни сақлаб қолиш ва ишлатиш учун жойларда МЧЖлар тузилаяпти. «Ижтимоий ҳимоя йили»да бу мақсадларга 2 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилмоқда...

Мамлакатимиз Президенти 2006 йил якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида барча соҳалар қатори коммунал хизмат кўрсатиш сифати ва уни янада такомиллаштиришга ҳам алоҳида тўхталди. Айниқса, қишлоқларда кечаётган ислоҳотларни жадаллаштиришга катта эътибор қаратиб: **«...қишлоқда зарур инфратузилма — газ, сув, электр, коммуникация тармоқларини яратиб беришни ҳукумат ўз зиммасига олиши даркор. Шундагина бу жойларга чет эл инвестицияси келади, шундагина қишлоқда ривожланиш бўлади... Иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг масъулиятини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича пухта ва аниқ ўйланган механизмни жорий этиш масаласи бугунги кунда принципиал муҳим аҳамият касб этмоқда»,** — деб таъкидлаб ўтди.

Хўш, бу вазифалардан қандай хулоса чиқариш керак?

Тўғри, вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш борасида қатор яхши тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, Қарши шаҳрида бу масала яхши ҳал этилган. Мураккаб тоғ шароитидаги Деҳқонобод туманида янги сув таъминоти иншооти қурилиши бошланиши арафасида. Бироқ, булар ҳам етарли эмас. Чунончи, катта маблағ эвазига Чироқчи туманидаги Шўрқудуқ қишлоғигача тортиб борилган қувурлардан бугун нега сув келмаяпти? Тоғли ҳудуд — нақ Оқсув дарёси бўйидаги Мироқи қишлоғида ифлосланган сув нега тўғридан-тўғри дарёга оқизилаяпти?

Фақат шуларгина эмас. Юзлаб қишлоқларда, сув узатиш иншоотлари ва артезиан қудуқларини ишлатиш, қувурларни сақлаб қолиш масаласи тўла ҳал бўлганича йўқ. Ташкил этилаётган МЧЖлар ночор. Улар тасарруфидаги сув иншоотларини ишлатиш ва таъмирлаш учун нафақат бюджет маблағлари, балки ҳомийлар ва аҳоли маблағларини ҳам жалб этиш чоралари кўрилса маъқул эмасми?

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲАМ ИШОНЧЛИ, ҲАМ АРЗОН ХИЗМАТ



Яқинда ангорлик танишимиз қизиқ бир воқеани гапириб қолди. Дардига даво излаб Тошкентга борса, у ердагилар айнан ангорлик шифокорлар гапини такрорлашибди. «Ўзимизнинг дўхтирларимизнинг билими, тажрибаси, шифохоналаримиздаги замонавий асбоб-ускуналар, шарт-шароитлари пойтахтдагидан қолишмайди, йўлингиз тушса бир киринг» деб қолди.

Дарҳақиқат, яқинда Ангор туманида иш бошлаган «Отамуродбек — Б — малҳам» хусусий поликлиникасида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Замонавий услубда қурилган икки қаватли шифо масканида амбулатор шароитида фертил ёшидаги аёллар гуруҳини тиббий кўрикдан ўтказиш, функционал диагностика ва бошқа текширувлар бўйича тиббий хизматлар кўрсатилади. Унда саккиз нафар тажрибали шифокор меҳнат қилмоқда.

— Мақсадимиз эл саломатлигини муҳофазалашдир, — дейди бош шифокор Саодат Ҳайитова. — Шифо масканини шахсий маблағимиз ҳисобидан қурдик. Шу боис кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга имтиёзли тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Келажакда беморлар учун сауна, шифобахш гиёҳлар билан даволайдиган фитобар қуришни режалаштирганмиз.

— Жарқўрғон туманининг «Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қиламан, — дейди 66 ёшли Соҳибжамол Каримова. — Ўт, ошқозоним анча йиллардан буён азоб берарди. Тез тузалдим. Шифокорларга катта раҳмат.

Поликлиникада бугун Қизириқ, Бойсун, Музработ туманларидан келган беморларни ҳам учратиш мумкин.

Узоқ тумандаги бу шифохонани тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасининг намунаси десак, асло муболаға бўлмайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ

Суратда: *шифокорлар иш пайтида.*

❖ Иқтисод ва ислоҳот

МИЛЛИЙ БАНК:
ЯНГИ МОЛИЯ ЙИЛИГА АЪЛО НАТИЖАЛАР БИЛАН

Ўн беш йил муқаддам, орзиқиб кутилган мустақилликка эндигина эришган мамлакат ўзининг давлат молиявий муассасасига этиёж сезиб турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тузилди.

Аввал бошданоқ банк зиммасига халқаро андазалар даражасида маҳаллий компанияларга ташқи савдо операциялари бўйича хизмат кўрсата оладиган, мамлакат экспорти салоҳиётини оширишга кўмаклашадиган, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, илғор технологияларни жалб этишга қодир молиявий муассаса тузиш вазифаси юкланди.

Ҳозир Ўзмиллийбанк — халқаро молия бозорларида мамлакат банк тизимининг яққол тимсоли, десак муболаға эмас. Самарали бошқарув механизми ва тараққиёт стратегиясини танлаб олган банк қатъий ишонч билан жадал ривожлана бориб, ўз мижозлари ўртасида профессионал молия муассасаси ҳамда ишончли шерик сифатида мустаҳкам обрў топди.

1993 йилдан бошлаб, Миллий банк нуфузли «The Banker» халқаро молиявий нашриёти томонидан жаҳондаги 1000та энг йирик банклар ўртасида ўтказиладиган рейтингдан ўрин олиб келмоқда.

Мамлакат молиявий индустриясининг пешқадами бўлган мазкур муассасанинг каттагина ресурс базаси, Ўзбекистон банк тизими сармояси жамлама ҳажмининг 50%идан ошадиган сармояси ва активлари (Республика банк активларининг қарийб 62%) унга катта ва узоқ муддатли кредитлар бериш, инвестицияларни жалб қилиш учун халқаро молия бозорида Ўзбекистон банклари орасида энг яхши мавқега эга бўлиш имконини берди.

Банк йил сайин Ўзбекистон молия бозорининг барча устувор сегментларида ўз иштирокини кенгайтириб бормоқда. 2006 йил ҳам бундан мустасно эмас. Миллий банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2007 йил 14 февралдаги кенгайтирилган мажлисида банкнинг 2006 йилдаги иш якунлари чиқарилиб, 2007 йилда ривожланишнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Улар жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги мажлисида Президент Ислом Каримов белгилаб берган биринчи навбатдаги вазифалар ижросининг асосий йўналишлари асосида шакллантирилди. Зеро, республикамиз йилдан-йил қадамба-қадам ижобий ривожланиб, унинг иқтисодий базаси мустаҳкамланмоқда, саноати ривожланиб, янги корхоналар ишга тушмоқда, мамлакат бозорига хорижий инвесторлар кириб келмоқда.

2006 йил учун белгиланган стратегик мақсадларга кўра, Ўзмиллийбанк имкон қадар Республика инвестиция дастурини амалга оширишда маҳаллий бизнеснинг қўллаб-қувватланишини, кичик бизнес ва мамлакат экспортини ривожлантириш дастурлари ижросини, мижозлар базаси билан ишлаш усулларининг такомиллаштирилиши ҳамда ўз хизматлари сифатининг оширилишини таъминлади. Айни пайтда банкнинг халқаро алоқалари ҳам фаол ривожланди. Ҳозирги кунда Миллий банкнинг вакиллик тармоғи 612 тадан ортиқ етакчи халқаро банкларни ўз ичига олган.

2006 йил якунлари бўйича Ўзмиллийбанкнинг миллий валютада жамлама баланси ҳажми 3 854 млрд. сўмни ташкил этди. Даромад 40,2 млрд. сўмга етиб, капитали 27 млрд. сўм қўпайди ва у 497 млрд. сўм бўлди.

Жадал ривожланаётган бозор ва мамлакат иқтисодиётини ялпи ривожлантириш шароитида банкнинг бизнес субъектларига кредитлар беришга доир фаолияти катта аҳамият касб этмоқда. Масалан, Миллий банкнинг кредит портфели ҳажми 2007 йил 1 январдаги ҳолатига кўра 2,1 трлн. сўмлик кўрсаткичга чиқди. Шунингдек, банк бугунги кунда айланма капитал, экспорт ва импорт лойиҳаларини молиялаш учун бир йилгача (қисқа муддатли кредитлар) ва бир йилдан ортиқ (узоқ муддатли кредитлар) муддатларга ҳам кредитлар бермоқда.

Банкда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастури доирасида бир қанча хорижий банклар ҳамда молия муассасаларининг, республика бюджетдан ташқари жамғармаларининг ва банк маблағларининг кредит йўналишларини ўзлаштириш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқиш, молиялаш учун қабул қилиш ишлари олиб борилаяпти. Ҳозир масалан, ҳаммаси бўлиб умумий қиймати 445,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 147 та лойиҳа молиялашга қабул қилинди. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми 113,1 млрд. сўмни (истиқбол кўрсаткичларининг 130%ини) ташкил этмоқда.

Миллий банкнинг амалга оширилаётган кредит ва тижорат фаолиятига нисбатан пухта ўйланган ёндашуви ва оқилона сиёсат юритиши натижасида эришган даромадлилигининг юксак даражаси кейинги йиллар мобайнида BIS — ишончлилик рейтинги бўйича жаҳондаги энг ишончли банклар ўртасида етакчи ўринларни эгаллашига имкон берди.

Ўзгариб бораётган иқтисодий муҳит шароитида банк ўз фаолиятини хўжалик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг юксак сифатли банк хизматларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга қаратмоқда, аҳолининг бўш турган маблағларини фаол жалб этиб, иқтисодиёт субъектларини кредитлаш учун ресурс базасини кенгайтирмоқда, пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга кўмаклашмоқда.

Республиканинг барча ҳудудларида жойлашган банкнинг 93 бўлим ва филиали корпоратив ҳамда чакана мижозларга кенг кўламдаги замонавий банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Жумладан, корпоратив ва чакана мижозлар сони 1,2 млн.га етди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 35,2% кўп (2006 йил 1 январдаги ҳолатига кўра 898,8 минг) демакдир.

Тизим бўйича мижозлар умумий базасининг кенгайиш динамикасига назар соладиган бўлсак, Миллий банк эндиликда аҳолидан хизматларни кенгайтириш сиёсатига қатъий амал қилиб, хусусий омонатлар ва аҳолининг жалб этилган маблағлар бўйича мамлакат молия бозорида пешқадамлар сирасига киради. Бугунги кунда у фақат чакана хизматларнинг 70дан ортиқ турларини амалга оширмоқда. Унинг бу йўналишдаги фаолияти аҳолининг — ҳам миллий валютада, ҳам хорижий валютадаги депозитлари ҳажмини сўмга нисбатан (эквивалентда) 184,6 млрд. сўмга оширди. Бу кўрсаткич ҳам 2006 йил бошидагига нисбатан 51,6 млрд. сўм зиёд.

2006 йилда Миллий банк «Western Union» тизими орқали тезкор пул ўтказмаларини амалга ошириш ишларини изчил давом эттирди. Мазкур тизимда ишлаш ижозатига эга бўлган шохобчалари миқдори 15 тага ошиб, 102 тага етди. «Western Union» бўйича пул ўтказмалари операциялари умумий ҳажми 108 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

2006 йил апрель ойида Россия Федерацияси банклари билан биргаликда Миллий банк ўзининг «Осиё Экспресс» тезкор пул ўтказмалари тизимини ҳам жорий этди. Мазкур тизим Россиядан Ўзбекистонга ва Ўзбекистондан Россияга пул ўтказмаларни амалга ошириш имконини берди. Ҳозир банкнинг республиканинг барча ҳудудларида банкнинг «Осиё Экспресс» пул ўтказмалари янги тизимида рўйхатга олинган 28 та шохобчаси муваффақиятли ишлаб турибди.

Кейинги 3 йил мобайнида Россия Федерацияси резидентлари билан, хусусан, савдони молиялаш йўналишлари бўйича амалга оширилаётган операциялар ҳажми анча қўпайди. Банклар қишлоқ хўжалиги техникаси, саноат, тоғ-кон ускуналари, пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотлари, авиация учун эҳтиёт қисмлар, кабель буюмлари, мисдан тайёрланган маҳсулотлар ҳамда бошқа жиҳозлар етказиб берилишини молиялашда фаол иштирок этишмоқда. Бу йўналишда Россия Федерацияси жамғарма банки, «Внешторгбанк», «Внешэкономбанк» ва «Промсвязбанк» каби банклар унинг асосий шериклари саналади.

Ўзбекистонда пластик карточкаларга оммавий тўлов воситаси мақомини бериш учун ҳозир ҳамма жойда катта саъй-ҳаракатлар бошланган. Бунда, Миллий банкнинг ҳам муносиб хизматлари бор. Масалан, савдо-маиший хизмат корхоналарида пластик карточкалар воситасида (нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммалаштиришга доир) реклама тадбирлари мунтазам равишда ташкил этиб борилаяпти.

Ўтган йил мобайнида банк пластик карточкалар эгаларини янада кўпайтириш, мазкур карточкалар бўйича амалга оширилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва яхшилаш, пластик карточкалар эгаларига хизмат кўрсатувчи банкомат ҳамда терминал инфратузилмасини мақбуллаштириш ишлари изчил давом этмоқда. Бугунги кунда банкнинг пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш тармоғида 97 та банкомат мавжуд бўлиб, улар сўм карточкаларини ҳам, халқаро пластик карточкаларни ҳам тўлов учун қабул қилаётир.

Ҳозир банк 1400 дан ортиқ компания ва ташкилотни иш ҳақи лойиҳаларига жалб этган бўлиб,бу жараён республикамизнинг амалда барча ҳудудларини қамраб олди. Банк ўз сўм карточкаларидан ташқари VISA ва Mastercard сингари машҳур брендлар карточкаларини чиқармоқда, уларга хизмат кўрсатмоқда. 2006 йилда 360,7 мингдан ортиқ карточка қўшимча муомалага чиқарилиб, уларнинг умумий сони 906,9 мингтага етказилди ёхуд пластик карточкалари бўйича операциялар умумий ҳажми 55,6 млрд. сўмдан ортиқ маблағни ташкил этди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баравар ортиқ.

2006 йилда хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш масаласига катта аҳамият берилди. Ғарбий Европа ва Осиёдаги етакчи банклар ҳамда халқаро молия муассасалари билан савдо жараёнларини ривожлантириш, лойиҳаларни молиялаштириш, тўлов операциялари ва кичик бизнесни молиялаш соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилиб, бу борада изчил музокаралар олиб борилди. Натижада, халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик фаолияти янада кенгайганлиги кузатилди. Эндиликда ОТБ, ЭТБ, ХМК, ОПЕК сингари нуфузли халқаро молия муассасалари Миллий банкнинг фаол ҳамкорлари бўлиб қолди. Чунончи, 2006 йилда Корея ва Хитойнинг йирик банклари билан қатор икки томонлама кредит, шунингдек, Германия, Австрия, Покистон, Индонезия банклари билан ҳамкорлик битимлари имзоланди. Ҳозир Хитой Халқ Республикаси Эксимбанкининг умумий суммаси 300 млн. АҚШ долларига тенг бўлган кредит йўналиши ўзлаштирилмоқда.

Миллий банк Кенгаши ва Бошқаруви ўзининг якунловчи кенгайтирилган мажлисида 2007 йилга мўлжалланган устувор йўналишларни белгилаб олди. Уларнинг биринчиси — мамлакат иқтисодиёти ва экспорт салоҳиятини ривожлантириб, инвестиция лойиҳаларини молиялашда ўз нуфузини янада ошириш. Имтиёзли кредитлар бериш йўли билан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес учун имкон қадар қулай шароитлар яратиш ҳам асосий йўналишлардан бўлиб қолади. Уларга банк мижозларига кўрсатилаётган хизматлар миқдорини сезиларли даражада кенгайтириш, банк капиталлашувини кўпайтириш, кредитлар бериш йўли билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш давлат дастури ижросини таъминлаш ва кўплаб чакана хизматлар турини амалга ошириш орқали чакана бизнесни янада авж олдириш каби режалар киради. Шунингдек, истеъмол кредитларининг, шу жумладан, овердрафт ва ипотека кредитларининг кўплаб турларини жорий этиш, банклараро ҳисоб-китобларни кенгайтириш, ўз мижозлари учун хизматларни диверсификациялаш сингари мақсадлар ҳам мамлакатда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган 2007 йилнинг устувор вазифалари сирасидандир.

Банк бугунги кунда қатор жамоат жамғармаларини мунтазам қўллаб-қувватлаб, меҳрибонлик уйларини ўз оталиғига олмоқда ва турли ижтимоий-маданий маросимлар ўтказишда ҳомийлик қилмоқда. Айни кезда болалар спортини ривожлантириш Республика жамғармасига муттасил кўмак бермоқда. Мамлакат спорт мажмуасида анъанавий равишда ўтказилаётган Теннис бўйича ўсмирлар халқаро турнирининг ташкилотчиси бўлиб қолаяпти. Ўзининг ташкил этилган пайтидан бошлабоқ, Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий бойликларини сақлаб қолишга ҳам катта ҳисса қўшаётир.

Мухтасаргина айтганда, Миллий банк бугун Ўзбекистон молия бозорида пешқадамлик қилаётир. У ўз мижозларининг фаровонлигини таъминлаб ва уларнинг ривожланиши учун кўмаклашиб, ўзи ҳам молиявий-иқтисодий ўсиш учун янада кенг имкониятларга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Миллий банки матбуот хизмати

МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ироқ пойтахти Бағдодда мамлакатдаги нотинчлик муаммоларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Икки қарама-қарши куч вакиллари, яъни АҚШ ва Буюк Британия ҳамда Сурия ва Эрон делегацияси биринчи бор музокара столига ўтирди. Конференцияга, шунингдек, Ироққа қўшни бошқа давлатлар вакиллари, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари, Миср, Бахрайн, Араб давлатлари лигаси ва Ислом конференцияси ташкилоти вакиллари таклиф этилди.

Асосий мавзу Ироқ инқирозини бартараф этишга йўл очиш масаласи бўлди.

Маълумки, Сурия ва Эрон АҚШдан Ироқдаги иттифоқчи кучлар тезроқ олиб чиқиб кетилишини талаб қилмоқда. Халқаро кучларнинг Ироқда фаолият олиб бориши зўравонликлар кучайишига сабаб бўлмоқда, дейишмоқда расмий Дамашқ ва Теҳрон вакиллари. АҚШ маъмурияти эса Эронни Ироқдаги шиаларга ҳарбий ёрдам кўрсатаётганликда айблади. Саудия Арабистони суннийлар ёнини олмоқда. Натижада шиалар ва суннийлар ўртасида қарама-қаршиликлар тўхтамаяпти, деб ҳисобламоқда.

Қисқаси, ушбу конференция бир-бирларини айблашлардан нарига ўтиб, муаммони бартараф этиш йўлида амалий ишларга замин ҳозирласа, ажаб эмас.

Апрель ойида ўтказилажак конференция ҳам мамлакатдаги нотинчлик масалаларини бартараф этишга бағишланади. Бу гал масала ташқи ишлар вазирлари даражасида кўриб чиқилади, дея хабар беради Эроннинг «ИРНА» ахборот агентлиги.

ТАШРИФГА НОРОЗИЛИК

АҚШ президенти Жорж Буш Лотин Америкаси бўйлаб беш кунлик сафарини давом эттирмоқда.

Бироқ унинг ташрифи айрим давлатларда оммавий норозиликларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, «Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Жорж Бушнинг Уругвай ва Арентинага ташрифи норозилик намойишларини юзага келтирди. Уругвайда касаба уюшмалар федерацияси чақириғига биноан кўп минг кишилик норозилик акцияси бўлиб ўтди.

Полиция маълумотларига кўра, 20 мингга яқин одам бу акцияда иштирок этди. Митинг қатнашчилари АҚШ президенти жойлашган Монтевидеодаги «Radisson» меҳмонхонасини ўраб олдилар. Уларнинг қўлларида Бушни ҳақоратловчи шиорлар бор эди. Полиция билан намойишчилар ўртасида тўқнашувлар юз берди. Шунинг учун Жорж Буш хавфсизлигини таъминлашга қўшимча ўн минглаб полиция, махсус хизмат вакиллари ва ҳарбийлар жалб этилди.

Буш хавфсизлигини ўйлаб АҚШ — Уругвай музокаралари шанба куни Монтевидеода эмас, балки Уругвай президентининг «Анчорена» дала ҳовлисида (пойтахтдан 200 километр узоқда жойлашган) бўлиб ўтди. У ёққа эса Буш вертолётда олиб борилди.

Аргентинада ҳам норозиликлар кузатилди. Мамлакатдаги Ишчи партияси чақириғига биноан акцияда иштирок этиш учун чиққан юзлаб намойишчилар АҚШнинг Аргентинадаги элчихонаси биноси олдига тўпландилар ва Жорж Буш ташрифига, унинг ташқи сиёсатига норозилик билдирдилар. Улар Америка байроғини намойишкорона ёқиб юбордилар.

Колумбияда Буш ташрифига алоҳида тайёргарлик кўрилди. 22 мингдан ортиқ полиция, махсус хизмат вакиллари ва ҳарбийлар президентлар хавфсизлигини таъминлашга жалб этилди. Ўнлаб ҳарбий самолётлар ва вертолётлар эса доимий парвозда бўлиб, қўриқловни хушёрлик билан бажардилар.

Колумбия маъмурияти Богота шаҳри аҳолисини Буш ташрифидан олдин зарур иш бўлмаса шаҳарга чиқмаслик ҳақида огоҳлантириб қўйган эди. Кўчаларда эса мотоциклда икки киши бўлиб юриш тақиқланди.

Бироқ, шундай бўлишига қарамай, бу ерда ҳам аҳолининг норозилик чиқишлари бўлиб ўтди. Ҳатто, полиция билан тўқнашувлар юз берди.

МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯГА ҚАРШИ

Шу кунларда БМТ Хавфсизлик Кенгашида расмий Вашингтон талабига биноан Эронга нисбатан қатъий санкция жорий этиш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Унда Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси (Россия, АҚШ, Хитой, Буюк Британия, Франция) ва Германия вакиллари иштирок этмоқда. Ўтган ҳафта айнан шу масала тўрт марта кўриб чиқилди.

Эрон ўзининг ядро дастури бўйича олиб бораётган фаолиятини тўхтатмагани учун жорий этилажак янги санкция молиявий тақиқловларни ҳам ўз ичига олган. Жумладан, хусусий шахслар, компаниялар ва давлат тизимидаги банк ҳисобларини «муздатиш» назарда тутилмоқда. Лекин бу борада баҳс-мунозаралар ҳали тугагани йўқ. БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларидан бўлмиш Россия ва Хитой Эронга нисбатан молиявий санкция қўлланилишига қарши эканликларини билдирди.

Шу ҳафта резолюция тайёр бўлади ва Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзоси (5 та доимий, 10 та муваққат) эътиборига ҳавола этилади.

Эслатамиз: Эронга нисбатан жорий этилган биринчи санкция 2006 йил 23 декабрда БМТ Хавфсизлик Кенгашида бир овоздан маъқулланган ва қабул қилинган эди. Ушбу резолюциянинг муддати 2007 йил 21 февралда тугади. Лекин Эрон ўзининг ядро дастурини тўхтатмади. Энди эса янада қатъийлаштирилган резолюция қабул қилиш масаласи устида иш олиб борилмоқда, дейилади «Reuters» агентлиги ахборотида.

КАРЕЛИЯ ТАРКИБИДАН ЧИҚМОҚЧИ

Карелия Республикаси таркибидаги Олонец шаҳри аҳолиси ўтказган норозилик митингида резолюция қабул қилинди.

Ундаги асосий талаб шу бўлдики, агар республика маъмурияти томонидан резолюция шартлари бажарилмаса, республика таркибидан чиқиш ва Ленинград вилояти таркибига кириш масаласи кун тартибига қўйилади.

Митинг иштирокчиси, Карелия қонунчилик мажлиси депутати Александр Степановнинг айтишича, шаҳардаги оғир ижтимоий-иқтисодий шароит уларни шу йўлдан боришга мажбур этган.

«Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Олонец тумани касалхонаси қурилиши 20 йилдан бери битмай ётибди, қишлоқ хўжалиги эса издан чиққан, ишсизлик даражаси юқори. Республика маъмурияти бу муаммоларни бартараф этиш юзасидан бирор-бир иш қилаётгани йўқ.

Худди шундай талаб 2006 йилнинг кузида Карелиянинг Чуп посёлкаси аҳолиси томонидан ҳам билдирилган эди. Улар республика таркибидан чиқиб, Мурманск вилоятига қўшилиш талабини ўртага ташлашган эди. Негаки, Мурманск маъмурияти улар ҳақида кўпроқ қайғуриши мумкин экан.

Аммо Олонец маъмурияти раҳбари Виктор Ефремовнинг айтишича, бундай талаблар билан чиқиш алаҳлашдан бошқа нарса эмас. Негаки, Карелия таркибидан чиқишнинг истиқболи йўқ. Ахир Олонец аҳолисининг 60 фоизини кареллар ташкил этади. Карел миллатига мансуб кишилар эса Карелияда яшашни хоҳлайди. Бундан ташқари, республика таркибидан чиқиш учун Карелия Конституциясига ўзгартишлар киритиш лозим. Бу эса қийин масала.



❖ Модернизация — давр талаби

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ — ЭКСПОРТ УЧУН ЙЎЛ

ВА БАНДЛИК МУАММОЛАРИ ЕЧИМИГА ИМКОН

Навоий Машинасозлик заводини Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг қон томири, дейиш мумкин. Чунки, мазкур завод ушбу корхонага ерости ва усти қазилма бойликларини қидириб топишда қўл келадиган барча асбоб-ускуналарни ҳамда энг тақчил эҳтиёт қисмларни тайёрлаб беради. Бир сўз билан айтганда, Қизилқум учун, унинг ноёб бойликлари — олтин, кумуш, уран, мармар, дала шпати, фосфоритлар сероблиги учун хизмат қилади.

Қарийб 16 йилдирки, завод нафақат Навоийнинг у ёки бу 17 саноат корхонасига, балки Ҳамдўстлик мамлакатлари, қолаверса, хорижий давлатларга ҳам жаҳон андазалари даражасида маҳсулотлар экспорт қилаяпти: металлургия ва тоғ-кон қидирув экспедицияларига қўл келгувчи бурғулаш, пайвандлаш, металл кесиш ускуналари, ҳисоблаш механизмлари, фрезерлаш ва пармалаш дастгоҳлари, оғир станоксозлик воситалари, маиший техника анжомлари, «Малютка», «Десна» кир ювиш машиналари... Оғир станоксозликда металл кесиш ва унга шакл-шамойил бериш усули Марказий Осиёда биринчи бўлиб шу заводда ўзлаштириб олинди.

Айни кезда машинасозлар «НТ-250 И» ва «1 М.И. 63 Н» пармалаш, метални қайта ишлаш замонавий дастгоҳларини бемалол Навоийнинг ўзида ишлаб чиқаришаяпти. Немис ва японларникидан асло қолишмайдиган бу ускуналар ҳозир Россия, Украина, Белорусда қўлма-қўл. Кейинги 3-4 йил ичида Рязань шаҳри станоксозлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳам металл кесиш, пармалаш дастгоҳларининг харидоргир бўлишига туртки бўлди.

Машинасозлар истиқлол йилларида алмисоқдан қолган цехлар, бўлинмалар ўрнида металл ва ёғочга шакл берувчи энг замонавий турдош корхоналар очишди. Кейинги 4-5 йил ичидаёқ 12 та такомиллашган цех ташкил этилиб, 3 минг нафар ишчи-хизматчи учун доимий иш ўринлари яратилди.

Бугунгача заводда йилига ўртача 16-17 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Жорий йил мўлжали бу кўрсаткични 20 миллиард сўмликдан ошириш ва «Ижтимоий ҳимоя йили»да жамоа ҳамда унинг фахрийлари турмуш тарзини янада тўкисроқ бўлишига эришиш. Ҳозир корхонада спорт ва соғломлаштириш мажмуи ишлаб турибди, чўмилиш ҳавзаси, замонавий сауна саноатчилар хизматида. Намунали ошхона, тиббиёт пункти, хушманзара боғроғлар ҳам улар ихтиёрида.

Жамоа шу кунларда қишлоқ хўжалик техникалари учун ҳам турли хил эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқармоқда. Масалан, АҚШнинг «Кейс», «Магнум» русумли ҳайдов тракторлари, Россия ва Қозоғистондан келтирилган плугли тракторлар учун энг тақчил эҳтиёт қисмлар тайёрланаётгани — корхонада валюта тушуми йил сайин ошишини таъминлаяпти.

— Бу ютуқлар ҳали чегара эмас, — дейди **корхона бош директори Николай Локкай.** — Насиб этса, ёнғинга қарши ишлатиладиган махсус машиналарнинг катта-катта сув насосларини ҳам ўзимизда ишлаб чиқармоқчимиз. Бу ҳам экспорт салоҳиятимизни оширишга хизмат қилади. Шунингдек, уй-рўзғор истеъмол моллари, ёғоч-дурадгорлик маҳсулотлари тайёрлаш жараёнларини ҳам кенгайтирамиз...

Шу йил 12 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган 2006 йил якунлари ҳамда 2007 йил иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган мажлисда Юртбошимиз эндиликда алмисоқдан қолган эски асбоб-ускуналар эмас, замон талабига, жаҳон бозорига мос турдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган илғор технологиялар ва энг мукаммал асбоб-ускуналар хусусида қуюнчаклик билан гапирдилар. Илғор технология — экспорт салоҳияти, иқтисодиёт таянчи эканини қайта-қайта уқтириб ўтдилар.

Бунга жавобан навоийлик машинасозлар айни кунларда «СДУ-1», «З-Н-340», «2-Н-16», «НФ-630» русумдаги яна бир қатор металл қирқиш ва сайқаллаш жараёнларини бажарадиган токарлик, дурадгорлик дастгоҳлари тайёрлаш ишларини жадал олиб боришмоқда. Зеро, шу ва шунга ўхшаш маҳсулотларга, нафақат қўшни республикалар, балки Россия, Украина, Белорусия, Польша, Руминия сингари давлатлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.

Яна бир хушхабар: машинасозлар жорий йилда яна 3 та янги цехни тўла таъмирдан чиқариб, уларни энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга бел боғлашган. Бу ҳам ўз навбатида корхонада экспорт қўламининг ошишига ва ҳудудда бандлик муаммоси ечимига катта имкон, катта йўлдир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Ўзбекистон ифтихорлари

«МЕН УЧУН ЭНГ МУҲИМИ — ВАТАН ШАРАФИ!»

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Руслан, жангга тайёргарлик қандай бораяпти, кайфият қалай?

— Ҳаммаси жойида, Швирин шаҳрида тайёргарликнинг биринчи босқичини ўтказиб, Гамбургга қайтдик. Охирги тайёргарлик шу ерда бўлади, спаринглар сўнгги босқичи ўтади.

— Интернетда ўқидик, Валуев «Чагаев билан бўладиган бу жанг мен учун ўзига хос, янги жанг бўлади. У чапақай — мен бунга мослашишим керак...» дебди. Ўз навбатида сиз ҳам Валуевни ноқулай рақиб ҳисобласангиз керак: Чунки, унинг бўйи 2 метр-у 13 сантиметр — сиздан 28 сантиметр узунроқ...

— Тўғри, бунақа баланд бўйли рақиб билан биринчи мартда учрашаман. Жангни ўз фойдамга ҳал этиш учун бор имкониятимни ишга соламан...

Орзуим — чемпион бўлиш... Валуев бўладими, бошқами, ким билан жанг қилишнинг менга ҳозир аҳамияти йўқ. Валуевнинг ўзидан ҳам, унинг бўйидан ҳам чўчимайман.

— Валуев билан шахсан таништирмисиз? Умуман, у ҳақда нима дея оласиз?

— Шахсан таниш эмасмиз. Лекин боксчи сифатида у жаҳон чемпиони. Муносиб рақиб! Рақиб сифатида унга катта ҳурмат билан қарашим керак. Жангдан кейин биз албатта танишамиз ва яқин дўст бўлиб қоламиз, деб ўйлайман.

— Эшитишимизча, Россия томони бу учрашувга жуда катта эътибор беришаётган экан: махсус ишқибозлар гуруҳи тайёрланаётганмиш, ишбилармонлар, тадбиркорлар, йирик-йирик корхоналар жанг ўтадиган залга ўз рекламаларини жойлаштириш ҳаракатига тушибдилар. Сизнинг клубингиз бу масалаларда нималарни режалаштирмоқда? Хабарингиз борми?

— Ҳа, мен ҳам эшитдим. Россияликлар учрашувга анча жиддий қарашаяпти. Умид қиламанки, мен шуғулланадиган Universum Box-Promotion клуби раҳбарлари ҳам ўзларига боғлиқ барча ишларни қилишади. Агар учрашув ўтадиган залда мамлакатимиздан ҳам бирорта компания рекламаси турса, унда «Ўзбекистон» деган ёзувни кўрсам — бу мен учун катта шараф бўлар эди.



— Германиядаги элчихонамиз билан алоқангиз қандай, улар Сизни қўллаб туришибдими?

— Муносабатларимиз жуда яхши. Доим ҳол-аҳвол сўраб туришади. Ҳар жангдан сўнг қўнғироқ қилиб табриклашади, имкон топишганда учрашувларга келиб, қўллаб туришади. Охирги жангимда — Руис билан бўлган учрашувда элчихона ходимлари ва шахсан элчимиз Бахтиёр ака Ғуломов ҳам келдилар. Хуллас, мен Германияда ўзимни ёлғиз сезган жойим йўқ...

— Руслан, профессионал боксда шартнома тузиш — жуда нозик ва муҳим масала. Ана шу масъулиятли вазифа, яъни, Сизнинг шартномаларингиз билан ким шуғулланади?

— Бу ишлар билан менежерим Таймас Ниёзов шуғулланади. У билан ҳаваскор боксчи пайтимдан буён биргамиз. Нафақат боксда, ҳаётий масалаларда ҳам менга яқин кўмакчи... Ҳозир ҳам у ёнимда, сизларга салом айтаяпти... Шартнома тузиш бу қоғоз иши... Нима десам экан... Таймас ака билан қадрдонмиз, ака-укадек бўлиб кетганмиз. У боксда бўлиб турадиган ҳар хил «ўйин»лардан ҳамиша мени асраб келади...

— Боксдан бўш пайтларингизни қандай ўтказасиз, нима билан машғул бўласиз?

— Оилам билан бўламан: турмуш ўртоғим, ўғлим, мен билан бирга. Ўғлим уч ёшда, исми Артур... Очиғини айтсам, бўш вақтим унчалик кўпмас. Вақтим асосан машғулотларга кетади. Профессионал бокс — бу иш, касб, оғир меҳнат.

— Руслан, ноқулайроқ бўлса-да, сўрамоқчиман, узр, сир бўлмаса, айтингчи, Валуев билан бўладиган жанг учун қанча гонорар оласиз? Тўғриси, бу — мухлисларни ҳам қизиқтираяпти...

— Шуни алоҳида айтишим керак, ҳозир мен учун пул аҳамиятсиз. Энг муҳими — Ватан шарафи, жанг ўтадиган залда Ўзбекистон байроғининг кўтарилиши. Ҳамма кўрсин, билсин, Ўзбекистон ғолиб чиққанини. Ўзбекистоннинг ўз чемпиони борлигини.

Сидней Олимпиадасидан сўнг мамлакатимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бизни қабул қилган эдилар. Ўшанда Муҳаммадқодир Абдуллаев иккимиз профессионал боксга ўтаётганимизни айтганимизда Президентимиз бизга оқ фотиҳа берган эдилар. Мен профессионал боксда ҳам жаҳон чемпиони бўлишга сўз берганман. Сўзимга муносиб бўлишни, ваъдамни бажаришни, ҳамюртлар ишончини оқлашни — энг катта шараф, деб биламан.

— Сизга фақат ғалаба тилаётган, жангни ҳаяжон билан кутаётган ҳамюртларингизга қандай тилакларингиз бор?

— Менга ишонч билдирган, қўллаб-қувватлаб турган барча юртдошларимга катта раҳмат. Уларни ўйласам, Ўзбекистондек мамлакат вакили эканлигимни ўйласам, кўнглим кўтарилиб кетади, кучимга куч қўшилади. Бугун барча ўзбекистонликлар мени қўллаб-қувватлаётганликларини юракдан ҳис қилиб турибман. Президентимиз, мамлакатимиз, халқимиз шарафини ҳимоя қилишга астойдил ҳаракат қиламан.

— Руслан, барча газетхонларимиз, юртдошларимиз номидан Сизга яхши кайфият ва албатта, омад тилаймиз. Биз Сиз билан биргамиз. Ғалаба ёр бўлсин!

— Раҳмат...

Сафар ОСТОНОВ суҳбатлашди.

❖ Янги китоб

Яқинда «Шарқ» наш-риёт-матбаа акциядорлик компаниясида Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Сайдулла Мирзаевнинг «ХХ аср ўзбек адабиёти» номли йирик монографияси чоп этилди. Икки қисмдан иборат мазкур китобда ХХ аср ўзбек адабиётининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, эришган ютуқлари ҳамда бу жараёндаги айрим камчиликлар атрофлича таҳлил этилади.

«ХХ АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ»

Олимнинг узоқ йиллик кузатишлари самараси сифатида юзага келган бу монография катта илмий-маърифий аҳамиятга эга бўлиб, унинг биринчи қисмида ХХ аср ўзбек адабиётининг асосий босқич ва белгилари, бой маънавий хазинанинг яратилиш жараёни, бу борадаги саъй-ҳаракатлар, қийинчиликлар, анъана ҳамда тамойиллар батафсил баён қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу қисмда ўтган аср адабиётини даврлаштириш масаласига ҳам янгича ёндашилган. Аввалги хулосалардан фарқли равишда у тўрт даврга ажратилиб, таҳлил этилган. Бунда, аввало, ҳар бир давр ижтимоий-сиёсий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиниб, сўнг шу асосда адабиётда содир бўлган ўсиш-ўзгаришлар, янгиликлар, ютуқ ва камчиликлар борасида баҳс юритилади.

Тадқиқотда янги ўзбек адабиётининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Унда кейинги йилларда ҳаётимизда, хусусан, адабиётда юз бераётган қатор ижобий ўзгаришларнинг туб моҳияти ҳақида бугунги кун назари билан сўз юритилади. Айниқса, китобда ушбу давр шеърияти, наср ва драматургияси алоҳида-алоҳида қисм сифатида олиниб, содир бўлаётган сифат ўзгаришлар ғоявий-бадиий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этилади.

Китобнинг иккинчи қисмида ўзбек адабиётининг ўтган аср бошидаги қадамларини белгилаб берган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби етук намояндалардан тортиб, уни ўзига хос тарзда давом эттирган Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Зулфия, Эркин Воҳидов сингари бир қатор вакиллари ижоди ҳақида ҳам қизиқарли фикрлар, маълумотлар берилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур монография ўқувчилар учун ХХ аср ўзбек адабиёти ва унинг тараққиёт босқичлари ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Асарнинг илмий-маърифий, тарбиявий аҳамияти ҳам аввало шунда.

Собир МИРВАЛИЕВ, филология фанлари доктори, профессор

❖ Наврўз қўшиқлари

«ҚИЗИЛ ГУЛИНГ БЎЛОЙИН»

АНЪАНАВИЙ «ҚИЗИЛ ГУЛ» САЙЛИДА ИЖРО ЭТИЛГАН ҚЎШИҚЛАР

Ҳар йили кўкламда қизил гуллар очилган пайтда анъанавий тарзда ўтказиб келинган «гул сайли» халқимизнинг Наврўз байрами билан алоқадор маросимларидан бўлиб, бу миллий удумимиз ҳосилдорлик ғоясини ўзида мужассамлаштирган қадимий тантаналардан биридир. Табиатнинг кўкламги уйғониши билан боғлиқ бу анъанавий халқ сайлининг ўзига хос кўринишларидан бири хоразмликлар орасида қадимдан урф бўлиб келган. «Қизил гул» сайли ҳар йил баҳорда Хива шаҳри яқинидаги Баворис бобо қабристонида бўлиб ўтган.

Бу байрамда аҳолининг барча табақаси — ёшлар ҳам, катталар ҳам қатнашишган. Ёш қиз-жувонлар эрталабданоқ сайилгоҳ томон йўл олишган. Уларни кузатиб турган йигитлар ўз севганларига олма, анор, гул отишган. Халқ оғзаки ижодиётида қизил гул севги ва оила тимсоли сифатида талқин қилинишига асосланган Г.Снесарев бу баҳорий маросим замирида ўлиб-тирилувчи табиат культлари ҳақидаги қадимий мифологик қарашлар ётишини қайд қилади.

Хоразмликларнинг қизил гул сайлига доир этнографик материалларни тўплаган Н.Лобачева бу оммавий сайилни «баҳорий тантаналарни якунлаб, ёз мавсуми удумларини бошлаб берадиган байрам» деб ҳисоблайди. У 1946 йили Хивада ўтказилган «Қизил гул» сайлида иштирок этган Ю.Кнозоровнинг кузатишлари қайд қилинган этнографик битиклар ҳамда ўзининг ана шу байрам ҳақида 1947 йилда ёзиб олган маълумотларига асосланиб, қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Қизил гулларнинг очилиши май-июнь ойларига тўғри келади. Айрим жойларда бу байрам билан боғлиқ сайил-томошалар бир ой давомида муттасил ўтказиб келинган. Яқин қариндош-уруғларга, шунингдек, дўстларга қизил гул (ёки атиргул) совға қилиш бу байрамнинг ўзига хос удумларидан бири ҳисобланган. Сайилда асосан ёшлар иштирок этишган. Унаштириб қўйилган ва бўй етган қизлар, келинчаклар, ёш жувонлар чиройли кийинишиб, Баворис бобо мозорига олиб борадиган йўл бўйидаги уйларнинг томи устига чиқиб олишган. Пастда йўл четида байрамона кийинган ёш йигит-яланглар ҳам йиғилишиб туришган. Кун ўрта бўлиб, яъни соат миллари 12 дан ошганда Баворис бобо қабристонининг туғи туширилган: бу «Қизил гул» сайлининг бошланишига ишора бўлган. Сайилда қатнашган аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам қўлларида гул бўлган. Улар чаккаларига, рўмолларига, белбоғларига гул қистириб қўйганлар».

«Қизил гул» сайли ўтказиладиган куни сайилгоҳда шавла, ош каби таомлар пиширилган. Сайил кун бўйи хурсандчилик, шодиёна билан давом этган. Соат тахминан 16-17 ларда, яъни кун пешиндан оққандан кейин сайилгоҳда янги туғ кўтарилган. Учига оқ сурп мато бўлаги ўралган янги туғнинг кўтарилиши «Қизил гул» сайли ўз ниҳоясига етганлигини кўрсатган.

1946 йилда Хоразм вилоятида этнографик тадқиқотлар олиб борган М.Сазонова ҳам Хива шаҳрининг жануби-ғарбий томонида жойлашган Баворис бобо қабристонида ўтказилган «Қизил гул» сайли ҳақида қизиқарли маълумотларни тўплаган. Унинг аниқлашича, март ойининг 21-22-саналарида, яъни Наврўз байрами кунлари тантана қилинган бу сайил далага биринчи қўш чиқариш маросими билан ҳам боғланиб кетган.

Бу сайилнинг «гули сурх» — «қизил гул сайли» деб аталган локал русуми ҳудудий жиҳатдан кенг қамровли бўлиб, Бухоро, Самарқанд вилоятларида ҳамда қўшни республикаларда ҳам қайд қилинган. «Қизил гул» байрами Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд мозорида ўтказилгани манбалардан маълум. Самарқанд яқинидаги бир қишлоқда ҳам «гули сурх» сайли ҳақидаги маълумотлар сақланганлигини аниқлаган этнограф Н.Лобачеванинг ёзишича, ёш йигит ва қизлар тўп-тўп бўлишиб лолақизғалдоқлар териш учун шаҳар ташқарисига чиққанлар. Бу сайил «гули сурх» деб юритилган.

«Қизил гул» сайли деҳқон ва чорвадорлар учун янги меҳнат мавсумининг бошланиш даври сифатида муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган. Маълумки, халқимизда касбкор, ҳунар отадан ўғилга мерос қилиб қолдирилган. Шу тариқа аждодлар мероси, касбий анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб, бизнинг кунларгача етиб келган. Анъанага кўра, «Қизил гул» сайлида тажрибали чўпонларнинг ўз шогирди ёки ота касбини пухта эгаллаган ўғлига боболаридан мерос бўлиб келаётган чўпон таёғини топшириш маросими ҳам ўтказилади.

«Қизил гул» сайлининг поэтик фольклори табиатнинг фусункор гўзаллигини улуғлаш билан бир қаторда ижодкор халқимизнинг руҳий кечинмаларини ҳам бадиий ифода этган. Бу қўшиқлар табиатни севишга, инсоний меҳр-оқибатни қадрлашга, ота-боболар анъаналарига содиқ бўлишга, она-юрт тупроғида ўсган ҳар бир гиёҳ, ҳар бир дарахт, ҳар бир гулни мўътабар тутишга ундаган. Шунинг учун ҳам «Қизил гул» сайли ритуал маросимлардан бири сифатида анъанавий тарзда ўтказилиб, бу сайл билан боғлиқ фольклор асарлари асрлар оша сайқалланиб, такомиллашиб келаверган.

(Давоми бор.)

Маматқул ЖЎРАЕВ, филология фанлари доктори, профессор

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА

Чимкентда футбол бўйича ALMA-TV халқаро турнири якунланди. Шу йилнинг июль ойида бўладиган навбатдаги Осиё чемпионати олдидан тайёргарлик вазифасини ўтаган ушбу мусобақада Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам муносиб қатнашди.

Дастлабки турда ҳамюртларимиз Озарбайжон футболчиларига қарши майдонга тушган (0:1) бўлса, иккинчи ўйинда қирғизистонликлар дарвозасига жавобсиз олтита тўп йўллашди. Қозоғистон миллий терма жамоасига қарши кечган охирги учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Мусобақа якунида терма жамоамиз посбони Игнатий Нестеров «Энг яхши дарвозабон», Александр Гейнрих «Энг яхши ҳужумчи» номинацияси ғолиби бўлди. Турнирда рақиблар дарвозасини уч бор аниқ нишонга олган Улуғбек Бақоев тўпурарлар баҳсида пешқадамликни қўлга киритди.

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №5 на 2007 год, на приобретение **4-х осного крытого вагона модели 11-280** в количестве 100 штук.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410.

Тел.: 138-84-72, 138-86-34.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи томонидан Александр Нерессович Арутюнян номига 1999 йилда берилган КХТ №001193 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси шоир, меҳнат фахрийси **Тўра ЖУМАН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
1 — Тиҗорат материали
O'zA yakuni — 22.20
Topshirilgan vaqti — 22.20
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda